



КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА УЛАРГА ҲУҚУҚИЙ БАҲО БЕРИШ МЕЗОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Шарипов Иномжон Баходирович

Судьялар Олий мактаби магистратура тингловчиси

Аннотация. Мақолада коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларини қўллашнинг процессуал жиҳатлари илмий таҳлил қилиниб ушбу жараёнида терговчи, прокурор ва суд томонидан коррупцион жиноятлари бўйича исботлаш алгоритми кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида амалдаги жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартиби, исботланиши лозим бўлган ҳолатларида коррупцион жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш бўйича хорижий ва миллий олимлар фикрларини таҳлиliga асосланиб ўз муаллифлик хулосаларга таяниб тегишли илмий тасдиқланган таклифлар ишлаб чиққан.

Калит сўзлар: коррупция, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, ҳуқуқий асослар, тергов қилиш, далиллар, исботланиш, далилларни тўплаш, текшириш, ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят-процессуал кодекс, терговчи, прокурор, суд.

ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ СОБИРАНИЯ, ПРОВЕРКИ И ПРИМЕНЕНИЯ КРИТЕРИЙ ПРАВОВОЙ ОЦЕНКИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ СВЯЗАННЫХ С КОРРУПЦИЕЙ

Аннотация. В статье проведен научный анализ процессуальных аспектов собирания, проверки и применения критериев правовой оценки доказательств в расследовании преступлений коррупционной направленности, и рассмотрен алгоритм процесса доказывания следователем, прокурором коррупционных преступлений. Основываясь на действующем Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан и анализе мнений зарубежных и отечественных ученых и заключениях автора, разработаны соответствующие научно обоснованные предложения относительно порядка собирания, проверки и критериев правовой оценки доказательств при доказывании в расследовании коррупционных преступлений.

Ключевые слова: коррупция, преступления связанные с коррупцией, правовые критерии, расследование, доказательства, доказывание, собирание доказательств, расследование, правовая оценка, уголовно-процессуальный кодекс, следователь, прокурор, суд.



PROCEDURAL ASPECTS OF COLLECTING, VERIFICATION AND APPLICATION CRITERIA OF LEGAL ASSESSMENT OF EVIDENCE IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO CORRUPTION

Annotation. The article provides a scientific analysis of the procedural aspects of collecting, verifying and applying the criteria for the legal assessment of evidence in the investigation of crimes of corruption, and considers the algorithm of the process of proving corruption crimes by the investigator, the prosecutor. Based on the current Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan and the analysis of the opinions of foreign and domestic scientists and the conclusions of the author, relevant scientifically based proposals have been developed regarding the procedure for collecting, verifying and criteria for the legal assessment of evidence when proving in the investigation of corruption crimes.

Key words: corruption, crimes related to corruption, legal criteria, investigation, evidence, proof, collection of evidence, investigation, legal assessment, code of criminal procedure, investigator, prosecutor, court.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларни бўйича одил судловни амалга ошириш юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг процессуал жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида (ЖПК) қонунийлик, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, тортишув, айбсизлик презумпцияси ва одил судловнинг бошқа демократик принципларининг мустаҳкамланганлиги шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганидан дарак беради. Шунга қарамай, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини қўшимча қафолатлаш юзасидан ислохотлар давом эттирилиб, қонунларимиз тобора либераллашиб бормоқда.

Хусусан, Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 Фармонида “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш” 15-мақсадида: «Хабеас корпус» институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш; суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш; суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш,



бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш; низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш; суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш; судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш; суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш вазифалар белгиланган²⁶.

Улар коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг қўллаш процессуал жиҳатлари борасида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини мустаҳкамлаш, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, адвокатура институтини ривожлантириш каби муҳим устивор масалаларни амалга ошириш вазифаси шахс ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш йўлида қўйилган мислсиз қадамлардан бири бўлди.

Шунинг учун, коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг қўллаш процессуал жиҳатлари – исботлаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, объектив воқелик, ҳақиқатни ўрнатишга хизмат қилади ҳамда жуда мураккаб жараён сифатида тегишли субъектлардан нафақат назарий ва амалий, балки фалсафий, мантиқий билимларга эга бўлишни, қонунга итоат этишни, мустаҳкам ҳуқуқий билим ва йиллар давомида сайқалланган тажрибага асосланишни, шунингдек, ички ишонч ва ҳуқуқий онгга таянишни ҳам талаб этадиган фаолият тури ҳисобланади²⁷. Исбот қилиш жиноят процессининг энг марказий бўғини эканлиги, ҳозирги кунда исботлаш жараёнида шахс ҳуқуқларини қафолатлашга катта эътибор берилганлиги ва далилларга баҳо бериш исботлашнинг якуний қисми сифатида инсон тақдирини ҳал этишга бевосита таъсир кўрсатиши ушбу

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони // <http://www.lex.uz>

²⁷ Соттиев И. А., Ҳамраев С. И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2008. – Б. 20–21.



масала юзасидан илмий изланишлар олиб борилиши лозимлигини тақозо этиб, танланган мавзунинг долзарблигини ўзида акс эттиради.

Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг қўллаш процессуал жиҳатлари бўйича жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш каби масалалар асосий вазифа сифатида белгилаб берилди²⁸. Ушбу вазифалар белгиланиши исбот қилиш институтида далиллар, уларни мустаҳкамлаш ва баҳолаш тизимини ҳам янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг қўллаш процессуал жиҳатлари жиноят судлов ишларини юритаётган терговчи, прокурор ва суд ишнинг барча ҳолатлари тўғрисида зарур маълумотларни тўплашни таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг қонун талабларига риоя этилган ҳолда тўпланганлиги; уларнинг исботлаш предметига алоқадорлиги; иш бўйича тўпланган далиллар процессуал қарорлар қилиш учун асос бўла олиши; исботлаш предмети ҳолатлари тўғрисида ишончли хулосага келиш учун етарлилиги; тадқиқ этилаётган ҳодиса юзасидан тўла ва ишончли маълумотларни ўзида қанчалик мужассамлантирганлиги масалаларини ҳал этишлари лозим.

Процессуалист олим Г.З.Тўлаганова исбот қилиш тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “исбот қилиш деганда субъектларнинг жиноят-процессуал қонунга асосланган ҳолда муайян жиноят ишига тегишли бўлган ҳар қандай маълумотларни процессуал тартибда тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳо бериш, шунингдек давлат номидан бу маълумотларнинг мавжудлигини тасдиқлаш фаолияти тушунилади”²⁹.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш тергов ва суд муҳокамасини мақсадга йўналтирилган тарзда олиб бориш, қонуний, асосланган ва адолатли процессуал қарорлар чиқариш, жиноят қонунчилигини тўғри қўллашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади³⁰. Шунингдек, “жиноят процессида далилларни олиш, ҳеч шубҳасиз, далилларни қабул қилиш нуктаи назаридан тўғри баҳолаш учун алоҳида аҳамиятга

²⁸ Матчанов А.А. Международное сотрудничество в борьбе с коррупционными преступлениями. Монография – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – 148 с.

²⁹ Тўлаганова Г.З., Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси/ю.ф.д. проф. Г.З. Тўлаганова, ю.ф.н, доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент. ТДЮУ нашриёти. 2017. – Б. 141.

³⁰Громов Н.А., Зайцева С.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. –М.: Приор, 2002. –Б.29.



эга. Аксинча, ушбу тоифани нотўғри талқин қилиш суд ва прокуратура-тергов амалиётида хатоликларга олиб келиши мумкин»³¹.

Коррупцион жиноятларни тергов қилишда далилларга баҳо бериш терговчи, прокурор ва суд томонидан билишнинг мантиқий шаклларида риоя этган ҳолда амалга ошириладиган, ҳақиқатнинг қарор топишини таъминлайдиган фикрлаш фаолиятидир. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида далилларга терговчи, прокурор ва судьянинг далилларни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқишга асосланган ички ишончи асосида баҳо берилади. Бироқ қонунда айрим олинган далил ёки улар мажмуининг аҳамиятини олдиндан белгилаб берувчи формал шароитлар кўрсатиб ўтилмаган. Шунинг учун коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо беришда, терговчи, прокурор ва судьялар қонунда кўрсатилган умумий характердаги талабларга (мақбуллик, етарлилик, алоқадорлик, ишончлилик) риоя этадилар. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳуқуқий онги эса далилларга баҳо бериш учун белгиланган қонун талабларининг мазмуни ва моҳиятини тушуниб етишга имкон беради. С.М.Рахмонова далилларга баҳо бериш тушунчасига қуйидагича таъриф берган: «далилларни баҳолаш – уларнинг ҳар бири қай даражада аниқ белгиланганлигини, жинойий ҳодиса ва бошқа далиллар билан қандай ўзаро боғлиқликда эканлигини, иш учун аҳамияти бўлган айнан қайси фактни аниқлаётганлигини ёки рад этаётганлигини ҳамда иш бўйича тўпланган барча далиллар нимадан далолат бераётганини аниқлаш демакдир»³².

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан жиноят ишини кўзғатишдан аввал шахслар томонидан берилган тушунтиришлар, шикоят ва аризаларни жиноят ишига алоқадор бўлган бошқа ҳужжатлар қаторига киритиш тўғрисида ҳам турли мунозаралар олиб борилмоқда. В.Хомич, тушунтириш ва аризалар исботлаш аҳамиятига ҳам, ҳуқуқий манбага ҳам эга эмас, деб таъкидлайди³³. Б.Комлев ҳам ҳозирги тергов-суд амалиётида аризаларда қайд этилган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилмаётгани ҳақида айтиб ўтган³⁴. Бизнингча, бу фикрларга умуман қарама-қарши бўлган «...жиноят ишини кўзғатиш босқичида тўпланган далилларни инкор этиш нотўғри, улардан далил сифатида фойдаланиш керак», деган қарашларга қўшилиш ўринлидир³⁵. Коррупция билан боғлиқ жиноят ишини

³¹Куцова Э.Ф. Доказательства – элемент фактической основы уголовно-процессуальных решений // Вестн. Моск. ун-та. Сер. право. 2011. № 3. С. 35–36

³²Рахмонова С.М., Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси/ю.ф.д. проф. Г.З. Тўлаганова, ю.ф.н, доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент. ТДЮУ нашриёти. 2017. – Б. 178.

³³Хомич В. Предварительная проверка материалов, послуживших поводом к возбуждению уголовного дела. // Законность. –1995. –№12. –Б.23.

³⁴Комлев В. Доказывание тяжести вреда, причиненного здоровью человека.// Уголовное право. –1997. –4. –Б.65.

³⁵Велоусов, А.В. О доказательственном значении объяснений, полученных в стадии возбуждения уголовного дела // Прокурор и следственная практика. – М.: 1998. – №3. – Б.165–169; Маевский В. Допустимость доказательств, полученных органами дознания до возбуждения дела // Российская юстиция. – 2000. – №6. – Б. 37.



кўзгатиш босқичида тўпланган ариза, шикоят ва тушунтиришлар ҳам ишга алоқадор далил сифатида эътироф этилиб, улардан жиноят ишида ЖПКнинг 81-моддасидаги «бошқа хужжатлар» сифатида фойдаланилиши мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан исботлаш жараёни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан тугамайди. Далиллар билан ишлашнинг сўнгги босқичи бўлган далиллардан фойдаланишда исботлаш субъекти улар воситасида турли операцияларни амалга оширади ҳамда ушбу далиллар кўмагида исботлашнинг қайсидир масалаларини ҳал этади. Далиллардан фойдаланиш – уларни оралик ёки якуний мақсадларга эришиш учун қўллашдир.

Шунинг учун, коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан исботлаш жараёнини далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш босқичларига бўлиниши фақат методик, жараённи чуқур ўрганиш мақсадларига хизмат қилади. Амалиётда эса бу босқичлар бир бири билан уйғунлашиб кетади. Моҳиятан, ҳар бир далил топилиб, қайд этилганидан, яъни ҳақиқий далилга айланганидан сўнг тадқиқ этилади, баҳоланади ва маълум субъект томонидан коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш мақсадларда фойдаланилади. Бошқача айтганда, далиллардан фойдаланиш, уларни қўллаш – айнан исботлаш жараёни ҳисобланади ёки исботлашнинг қандайдир тезисини тасдиқлаш ёхуд инкор этишда фойдаланилмаган далил кераксиз далил сифатида бу жараён доираларидан ташқарида қолиб кетади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг қўллашда далиллардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: турли версиялар, бошқа далиллар, йўналтирувчи ва қидирув маълумотларини баҳолаш предмети юзасидан текшириш; қабул қилинадиган қарорлар, айблов хулосаларини асослаш; тергов ҳолати, жиноят механизми, жиноятчининг ташқи қиёфаси ва руҳиятини лойиҳалаштириш; янги далиллар, тезкор-қидирув маълумотларини олиш; далиллар комплексини шакллантириш; далиллар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш, ёлғон кўрсатув бериш ҳамда янги далиллар олинганини фош қилиш, терговга қаршилик кўрсатиш фойдасиз эканлигига ишонтириш каби мақсадларда процесс иштирокчиларига далилларни намойиш этиш.

Моҳиятан, коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ҳар бир далил топилиб, қайд этилганидан, яъни ҳақиқий далилга айланганидан сўнг тадқиқ этилади, баҳоланади ва маълум субъект томонидан қайсидир мақсадларда фойдаланилади. Бошқача айтганда, далиллардан фойдаланиш, уларни қўллаш – айнан исботлаш жараёни ҳисобланади ёки исботлашнинг қандайдир тезисини тасдиқлаш ёхуд инкор этишда фойдаланилмаган далил кераксиз далил сифатида бу жараён доираларидан ташқарида қолиб кетади.



Шунингдек, коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан қўзғатилган жиноят иши юзасидан далиллар танқислиги юзага келган ҳолларда, мавжуд далиллардан фойдаланиш орқали жиноят ишини адолатли ҳал этишни назарда тутувчи нормалар жорий этилиши исбот қилиш жараёни сифатини янада оширади.

Шу жиҳатдан ЖПКнинг 85-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқдир: «Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш, баҳолаш ва улардан фойдаланишдан иборат».

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам мазкур қоидалар мустаҳкамланган, яъни ЖПКнинг 95-моддасига биноан, далилларга баҳо беришда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиш асосида қонун ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича исботлаш предметига қирадиган ҳолатларни аниқлаш учун ҳар бир далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги ҳамда уларнинг мажмуи етарлилиги ҳақидаги хулосага келадилар.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш далиллар мажмуини баҳолаш ҳақиқий маълумотларнинг ишончлилигини ва исботловчи аҳамиятини уларни бир-бири билан солиштириш йўли билан аниқлашга ёрдам беради. Далиллар мажмуини баҳолаш далиллардаги тўлиқсизлик, ноаниқлик ва зиддиятларни аниқлаш имконини беради.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш мезонларининг қўллаш процессуал жиҳатлари борасида жиноят судлов ишларини юритишда далилларга баҳо беришда жиноят процессуал қонуни принциплари муҳим аҳамият касб этади.

Далилларни баҳолаш иш бўйича деярли ҳар қандай процессуал қарор қабул қилиш учун замин ҳозирлайди. Баҳолашсиз далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, хулосалар чиқариш ва тўғри процессуал қарор қабул қилиш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди. Агар баҳолаш фақат фикрлашга тенглаштирилса, у исботлашнинг тегишли субъекти онгидан ташқарига чиқмас, бу шахсдан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмас ва ҳар қандай юридик маънодан махрум бўлар эди.

Далилларни баҳолаш жиноят процессуал исботлаш элементи сифатида маълум доирада ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, унинг меъёрлари таъсирида бўлади. Ҳуқуқ меъёрлари тафаккур тартибини эмас, балки далилларни баҳолаш шароитлари, мақсадлари ва принципларини (ЖПКнинг 85-87, 90-95-моддалари), шунингдек процессуал қарорлар ва ҳужжатларда уларни баҳолаш натижаларининг ташқи ифода этилишини белгилайди. Шундай қилиб, далилларни баҳолаш мантиқий ҳамда ҳуқуқий хусусиятларга эга.



Коррупция билан боғлиқ жиноятлар юзасидан далилларни тўплаш, текшириш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш мезонларининг қўллаш процессуал жиҳатлари мазмуни юзасидан хулосаларимизни баён этамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида далилларга эркин тарзда баҳо берилади, қонун иш бўйича чиқариладиган хулосаларни асослаш учун далилларни қиммати ва етарлилиги тўғрисидаги талабларни қўймайди.

Иккинчидан, терговчи, прокурор ва суднинг далилларни баҳолашдан келиб чиқадиган хулосаларининг мазмунига ташқаридан қандайдир кўрсатмалар асосида таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Учинчидан, далиллар ҳар томонлама, тўла ва холисона баҳоланиши шарт, яъни айбланувчини айбини фош этадиган ёки уни оқлайдиган барча далиллар анализ қилиниши, бошқа далилларга қиёсланиши ва тадқиқ этилаётган далиллар мажмуидан иш бўйича исботлаш предметини ташкил этувчи фактлар тўғрисидаги зарурий хулосалар чиқарилиши лозим.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони // <http://www.lex.uz>
2. Соттиев И. А., Ҳамраев С. И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2008. – Б. 20–21.
3. Матчанов А.А. Международное сотрудничество в борьбе с коррупционными преступлениями. Монография – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – 148 с.
4. Тўлаганова Г.З., Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси/ю.ф.д. проф. Г.З. Тўлаганова, ю.ф.н, доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент. ТДЮУ нашриёти. 2017. – Б. 141.
5. Громов Н.А., Зайцева С.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. –М.: Приор, 2002. –Б.29.
6. Куцова Э.Ф. Доказательства — элемент фактической основы уголовно-процессуальных решений // Вестн. Моск. ун-та. Сер. право. 2011. № 3. С. 35–36
7. Рахмонова С.М., Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси/ю.ф.д. проф. Г.З. Тўлаганова, ю.ф.н, доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент. ТДЮУ нашриёти. 2017. – Б. 178.



8. Хомич В. Предварительная проверка материалов, послуживших поводом к возбуждению уголовного дела. // Законность. -1995. -№12. –Б.23.

9. Комлев Б. Доказывание тяжести вреда, причиненного здоровью человека.// Уголовное право. -1997. -4. –Б.65.

10. Белоусов, А.В. О доказательственном значении объяснений, полученных в стадии возбуждения уголовного дела // Прокурор и следственная практика. - М.: 1998. - №3. – Б.165-169; Маевский В. Допустимость доказательств, полученных органами дознания до возбуждения дела // Российская юстиция. – 2000. - №6. – Б. 37.

